*Бир фармон шарофати*

# КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ АФЗАЛЛИКЛАРИ

***Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, шу жумладан давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида корхоналарни ташкил қилиш ва иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва бозор ўзгаришларининг устувор йўналиши ҳисобланади.***

Қашқадарё вилоятида ушбу Фармонга мувофиқ аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди.

Лекин вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси, шаҳар, туман ҳокимликлари фармон ижросига жиддий ёндошсаларгина масалани ҳар тарафлама пухта ҳал қилиш мумкин. Демак, корпоратив бошқарув самарадорлигини ошириш, директорлар корпусининг аҳамияти ва ролини ўзгартириш зарур бўлади. Бу борада юзакичилликка, расмиятчиликка йўл қўйиш мумкин эмас.

Корпоратив бошқарув афзалликларини «Муборакнефтгазмонтаж» акциядорлик жамияти ўз фаолиятида исботлади. Жамоада 2246 нафар акциядорга ўтган йил ҳисобидан олинган 1,8 миллиард сўм фойданинг 60 фоизи миқдорида дивидентлар тўланди. Номинал қиймати 520 сўм бўлган ҳар бир акцияга 7631 сўм 64 тийиндан тўғри келди. Жорий йилнинг ўтган ойларида 398,1 миллион сўм соф фойда олган акциядорлик жамятининг ҳар бир акциясига 265 фоиз, яъни 1376 сўмдан дивидент тўланадиган бўлди.

Бошқарувнинг тўғри ташкил этилганлиги, ҳар бир юмуш режали, иқтисодий таҳлил асосида олиб борилганлиги туфайли вилоят бўйича энг юқори натижа қўлга киритилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатиб турибдики, ягона шароитда ишлаётган бир тармоқнинг ўзида ҳар хил натижаларга эришилаяпти. Бозор шароитига мослашаётган жамоаларда муваффақиятлар қўлга киритилаётган бўлса, раҳбарлар иқтисодий ислоҳот моҳиятини тўғри тушуниб етмаган корхоналарда инқироз ҳолати юзага келган. «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси тизимига кирувчи Чироқчидаги «Истиқлол» паррандачилик акциядорлик жамияти йилданйилга иқтисодий юксалиб бораяпти. Олинган ўн миллион сўмдан ортиқ фойданинг асосий қисми акциядорларга дивидент сифатида тарқатилаяпти. «Қаршипаррандачилик» ва «Касбипаррандачилик» акциядорлик жамиятлари эса банкротлик ҳолатига келиб қолган. Бунинг сабаби кузатув кенгаши раислари ва аъзолари бошқарув раисига тобе бўлиб, унинг айтганидан чиқа олмаяптилар. Улар қолоқлик сабабларини таҳлил этиб, корхонани банкротликка олиб келган раҳбарларга чора кўриш имкониятига эга эмаслар.

Вилоят қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказидан олинган маълумотларга қараганда турли соҳаларга мансуб 94 та акционерлик жамиятларида кузатув кенгаши раиси бошқарув корпусига қарам бўлган шахслардир. Масалан «Қаршипахтатозалаш», «Шаҳрисабзпахтатозалаш», «Нишонпахтатозалаш» ҳиссадорлик жамиятларида кузатув кенгаши раиси шу корхоналарнинг турли лавозимларда ишловчи мутахассислари. «Қашқадарёбалиқчилик» очиқ акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши раиси жамоада бош балиқчи лавозимида ишлаб келганлигини қандай баҳолаш мумкин? «Айритомдон», «Муборакдон» ҳамда «Яккабоғ-85» ҳиссадорлик жамиятларида кузатув кенгаши аъзоларининг 90 фоизи бошқарув раисига тобе кишилар эканлиги аниқланди.

Вилоятда 221 та акциядорлик жамиятларидан 162 тасининг Низом жамғармасида давлат улуши 25 фоиз ва ундан кам миқдорни ташкил қилади. Шунинг учун ҳам 106 та акциядорлик жамиятларининг давлат улуши 2003-2004 йилларда эркин савдода сотилади. Айрим акциядорлик жамиятлари Низом фондининг энг кам миқдори жуда оз қилиб белгиланганлиги туфайли кичик корхоналар негизида ҳам акциядорлик жамиятлари таркиб топган эди. Вилоятда 350 та шундай жамоалар мавжуд. 2004 йил 1 январга қадар ана шу очиқ ҳиссадорлик жамиятлари устав жамғармасининг энг кам миқдорини 50 минг АҚШ доллари эквивалентига етказиш ёки бошқа ҳуқуқий шаклларга асосланган хусусий корхоналарга айлантириш белгиланди. Ана шундай корхоналардан 308 таси мулк шаклини ўзгартиради.

Айни пайтда акциядорлик жамиятларида умумий йиғилишлар ўтказилаяпти. Бундай анжуманларда очиқ ҳиссадорлик жамиятларидан 46 таси Низом жамғармасини кўпайтириш, 63 таси бошқа мулк шаклига ўтиш ва 4 таси бирлашиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бироқ айрим жойларда Фармон талабларига тўлиқ амал қилинаяпти, деб бўлмайди. Масалан, «Китобтайёрловсавдо» ҳиссадорлик жамиятида бошқарув раиси ўринбосари Р.Равшанов ва бўлим бошлиғи З.Зиёдуллаев кузатув кенгаши таркибига сайланган. Қарши шаҳар «Савдо ва деҳқон бозори» акциядорлик жамиятининг Низом жамғармаси 17 миллион 368 минг сўм бўла туриб, уни фармон талабларига мувофиқлаштириш кун тартибига киритилмаган.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ёзги соғломлаштириш*

# ОРОМГОҲДА ЧЕТ ТИЛЛАР ТЎГАРАГИ

Андижон вилоятида ёз мавсумида меҳнаткашлар фарзандларини соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят доимий комиссиясининг йиғилишида ушбу масала юзасидан ўтган йилда йўл қўйилган хатокамчиликлар атрофлича таҳлил этилиб, жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ва мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш юзасидан мутасадди ташкилотлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Шунга асосан, оромгоҳлар талаб даражасида жиҳозланди. Ҳозирги кунда дам олиш масканлари узлуксиз сифатли ва тўйимли озиқ-овқат, сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари билан таъминланган. Бу ерларда турли маданий-оммавий, спорт тадбирлари уюштирилмоқда. Оромгоҳлардаги кутубхоналарга янги адабиётлар харид қилиниб, китоб фонди янада бойитилди.

Бу йилги мавсумда 26 та шаҳар четидаги, 1 та санаторий типидаги ва 10 та мактаблар қошидаги кундузги болалар оромгоҳларида меҳнаткашларнинг 22 минг нафар фарзандларини соғломлаштириш режалаштирилган. Анъанага мувофиқ, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан барча оромгоҳларда катта байрам тантаналари ташкил этилди. Бугунги кунгача биринчи мавсум якунланиб, 7 мингдан зиёд болажонлар мазмунли дам олдирилди. Оромгоҳларга малакали тарбиячилар, тиббий ва бошқа ходимларни жалб этилишига алоҳида аҳамият берилганлиги ҳар бир тадбир юқори савияда ўтишини таъминламоқда. Болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун барча оромгоҳларда йўриқчилар фаолият олиб боришмоқда. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши томонидан бир қатор мусобақа ва кўрик-танловлар эълон қилинди. Кенгаш кубоги учун оромгоҳлараро «Бўлажак футбол юлдузлари» турнири, «Юксак маънавият сари» каби мусобақалар уларнинг баркамол ва соғлом бўлиб камол топишларига хизмат қилиши шубҳасиздир.

«Андижондонмахсулотлари» уюшмасига қарашли «Олтин бошоқ» болалар оромгоҳи ўтган йили «Энг намунали оромгоҳ» деб топилган эди. Бу йил ҳам ушбу номга сазовор бўлиш мақсадида бир неча тадбирлар ўтказилди. «Алишер Навоий интернейшнл» қўшма корхонаси тасарруфидаги «Уч соҳил», вилоят электр тармоқлари тизимига қарашли «Энергетик» оромгоҳлари ҳам мавсумга пухта тайёргарлик кўрганликларини намойиш этишди.

Ҳозирда болажонларни дам олишлари ва бўш вақтларини янада мазмунли ўтказишлари учун оромгоҳларда чет тилларини ўқитиш тўгараклари ташкил этилган. Компьютер машғулотларини ҳам олиб бориш мақсадида зарур техник жиҳозлар харид қилинди.

**Давур ЖОЗИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ТАРИХИЙ ОБИДАЛАРГА САЁҲАТ

## болажонларда катта таассурот қолдирди

Яккабоғ туманининг пурвиқор тоғлари бағридан оқиб ўтувчи Қизилдарё кўпригидан баландликка кўтарилганимизда, кўм-кўк дарахтлар билан қопланган оромгоҳдан болажонларнинг шўх-шодон кулгулари, ёқимли мусиқа садолари янгради. Сайроқи қушларнинг ажиб хонишлари эса бу шодонликка ҳамоҳанглик бағишлади.

Бизни Улуғбек номли оромгоҳ директори Нишон Рўзиев самимият ила кутиб оларкан, дам олиш маскани билан таништира бошлади.

– Оромгоҳимиз ҳудуди 20 гектардан иборат, — дейди у. – Жорий йил соғломлаштириш мавсумига пухта тайёргарлик билан бошланди. Вилоят ҳокимлиги қарори билан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфига ўтказилган оромгоҳимиз хўжаликлар ҳомийлигида сифатли таъмирдан чиқарилди. Хусусан, 14 та ётоқхона, 520 ўринли ошхона, икки қаватли тиббиёт-даволаш биноси, кутубхона, спорт мажмуи, ёзги кинотеатр кабилар замонавий кўриниш касб этди.

Ҳақиқатан ҳам оромгоҳда ёзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ишларига муҳим эътибор қаратилди. Болажонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди. Шу боис ҳозирги кунда биринчи навбатда 604 нафар ўқувчи ёшлар мазза қилиб дам олишмоқда. Кутубхона, эртаклар шаҳарчаси, спорт ўйингоҳи, чўмилиш ҳавзаси улар хизматида. Шунингдек, болажонлар бўш вақтларида Бойназар Муродов, Гўзал Очилова, Дилфўза Қодирова, Ғолиб Ражабов, Рустам Очиловлар раҳбарлигидаги рассомчилик, ўлкашунослик, тикувчилик ҳамда турли спорт тўгараклари машғулотларига қатнашишмоқда.

Маданий-маърифий ва спорт тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Жумладан, футбол, волейбол мусобақалари, рақс ва қўшиқ танловлари ҳамда «Балли, йигитлар», «Қувноқ стартлар» каби тадбирлар болажонларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Албатта, бундай тадбирларни уюшқоқлик ва зўр кўтаринкилик билан ўтказишда 44 нафар малакали педагог-тарбиячиларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, Ҳуррият Ҳайитова, Азиза Эргашева, Нодира Искандарова, Маҳзуна Турдиева сингари тарбиячилар бу борада кўпчиликка намуна бўлишяпти. Дарвоқе, оромгоҳ маъмурияти ташаббуси билан Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларидаги тарихий обидаларга ташкиллаштирилаётган саёҳатлар ҳам ўғил-қизларда бир олам таассурот қолдирмоқда.

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**Яккабоғ тумани**





## АХБОРОТ-МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ

«Тадбиркор аёл» уюшмаси Қизилтепа туман бўлими АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси грантини қўлга киритди. Ушбу маблағ ҳисобидан тадбиркор хотин-қизлар, деҳқон фермерлар учун ахборот-маслаҳат маркази ташкил этилди. Марказда Интернет орқали дунё тадбиркорларининг иш фаолияти билан танишиш мумкин. Бу ерда, шунингдек, муҳим семинарлар, ўқувлар ташкил этилади. Марказ ҳузурида хотин-қизларни касбҳунарга ўргатувчи курслар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Уларда зардўзлик, бичиш-тикиш, гилам тўқиш, парда тикиш, бухгалтерия ҳисоби, компьютер мутахассислиги бўйича билим берилмоқда.

## ДОИМИЙ ЯРМАРКА ОЧИЛДИ

***Вилоят марказидаги спорт мажмуида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акционерлик компанияси корхоналарининг Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган болалар спорт кийимлари доимий ярмаркаси очилди.***

Ярмаркада «Юлдуз», «8 март фабрикаси» акционерлик жамиятлари ва бошқа 20 дан зиёд енгил саноат корхонасида тайёрланган спорт буюмлари сотувга қўйилган.

Бу ерда намойиш этилган товарлар турлари хилмахилдир. Бироқ бу ердаги ҳамма маҳсулотларни ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

- Ярмарка унчалик катта бўлмаса-да, ўз тарбияланувчиларимиз учун яхши спорт кийими танлаш анча қийин бўлмоқда, - дейди Янгиердаги футбол мактаби директори Омон Қўлдошев. - Ярмаркада намойиш этилган футбол майкалари қалин материаллардан тайёрланган. Улар қиш учун яхши бўлса-да, бизнинг шароитимизга унча тўғри келмайди.

Харидорлар журналистлар билан бўлган суҳбатда ярмаркада яхши спорт пойабзаллари, сумкаларининг йўқлигига эътироз билдирди. Шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқарилган бўлишига қарамай, кўпгина товарларнинг нархи баландлигини ҳам айтди. Бозорда бундай импорт товарларни икки баравар арзонга олиш мумкин. Спорт кийимларини ишлаб чиқараётганлар бу ҳақида ўйлаб кўрса, фойдадан холи бўлмайди.

**(ЎзА)**

## МУНОСИБ ТУҲФА

Нурчилар шаҳри -Тахиатошда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Мунтазам фаолият юритаётган бокс, каратэ, кураш ва оғир атлетика мактаблари тарбияланувчилари жаҳон спорт майдонларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Спортни янада оммавийлаштириш мақсадида йил бошидан шаҳарда замонавий спорт мажмуи қурилиши бошланди. Тахиатош гидроэлектр иншооти буюртмаси асосида бунёд этилаётган ушбу мажмуадан беш минг томошабинга мўлжалланган стадион, 600 ўринли теннис корти, сузиш ҳавзаси, оғир атлетика зали ўрин олади.

- Спорт мажмуи қурилишини Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрамигача тугатамиз,- дейди 2-қурилиш участкаси бошлиғи Наврўз Сейшанбаев. - Ҳозир бу ерда пардозлаш ишлари жадал давом этмоқда.

## «БАРАКА» БАРАКАСИ

Дўстлик туманининг Султон Раҳимбоев бошчилигидаги «Барака» фермер хўжалиги давлатга 97 тонна дон топшириб, шартнома мажбуриятини ошириб бажарди. Бу йил «Барака»нинг ҳосили, ҳақиқатдан ҳам, баракали бўлди. Фермер 30 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан ошириб ҳосил олди.

Чўл шароитида 60 центнердан ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди. Кейинги йилларда бундай кўрсаткичга эришаётганлар бармоқ билан санарли эди. Бу йил эса гектаридан олтмиш центнер ва ундан ошириб ҳосил олаётганлар кўп. Ўрим-йиғим ҳар йилгидан 20 кун кеч бошланган бўлса-да, шартнома мажбуриятларини бажараётган фермерлар сони кун сайин ортаётир. Биргина Дўстлик туманида бу йил 931 фермердан уч юздан зиёди ўрим-йиғимнинг биринчи беш кунида давлатга дон сотиш шартнома-режасини уддалади.

**(ЎзА)**

*Таажжуб*

# ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ҒЎЗА ЧОПИҒИДА...

Кейинги йилларда Пахтачи туманида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича анчагина ижобий ишлар қилинди. Янги қишлоқ врачлик пунктлари, участка шифохоналари қурилди. Мавжудлари таъмирланиб, тартибга келтирилди. Замонавий тиббиёт ускуналари олиб берилди.

Туманнинг Қ.Ражабов номли ширкат хўжалигида жойлашган қишлоқ врачлик пункти 7,5 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда педиатор, терапевт, гинеколог каби шифокорлар, малакали ҳамширалар ишлаяпти. Биз ушбу муассасага келган кунимиз бино таъмирланаётган, тиббиёт ходимларининг аксарияти ғўза чопиғига чиқиб кетишаётган экан...

— Умумий аҳвол ёмон эмас. Дори-дармон, тиббий ускуналар бор, - дейди ҚВП мудири З.Шакаров, - Лекин талаб даражасида эмас. Беморларни кўпроқ туман марказига йўллашга тўғри келаяпти. Ҳозир бинони ўз кучимиз, ўз маблағимиз ҳисобига таъмирлаяпмиз.

ҚВП биносини таъмирлаш учун айтишларича, ширкат хўжалиги томонидан усталар ажратилган. Лекин бунинг эвазига тиббиёт ходимлари 2 гектардаги ғўзани парваришлаб беришлари керак экан. Бунақа келишувни қандай изоҳлашни билмайсан киши.

Деҳқонобод қишлоқ врачлик пунктидаги аҳвол янада ажабланарли. Айрим хоналарда ҳатто стол-стуллар етишмайди. Катта ҳамшира Д.Элибоеванинг таъкидлашича, феврал ойидан буён биринчи ёрдам учун зарур дорилар ҚВПга берилмаган. Бунинг сабаби имтиёзга эга беморларга текин дори олиш учун рецепт кўп ёзилганида эмиш. Аммо ҳар қандай вазиятда тиббиёт муассасасида биринчи ёрдам дорилари мавжуд бўлиши шарт эмасми? Раҳбарлар бунинг учун тегишли чора-тадбир қўлламайдими? Деҳқонобод ҚВПнинг мудири янги бўлгани учун ушбу саволлар билан туман бирлашган шифохонаси бош ҳакими Шоира Бобоевага мурожаат қилдик.

— Албатта, қишлоқ врачлик пунктида биринчи ёрдам дорилари бўлиши шарт. Аммо шунақа бўлиб қолган. Муҳокама қилиб, чора кўрганмиз, - дейди бош ҳаким.

Аммо айнан қанақа чора кўрилганини ҳеч ким айтолмади. Бунга тегишли бирорта ҳужжат ҳам топилмади. Бош ҳаким пинагини бузмаганидан кейин бошқаларга нима ғам. Ҳукуматимиз ғамхўрлиги туфайли тиббиёт муассасалари барча шароитларга эга бинолар билан таъминланаяпти. Қишлоқлардаги тиббий хизмат сифати ҳам шунга яраша бўлиши керак-да, энди.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***Бундан 3-4 йил илгари Когон электр тармоқлари шўъба корхонаси ҳақида вилоятда илиқ гаплар айтиларди. Ҳам шаҳар, ҳам туман аҳлига, саноатчиларга беминнат хизмат кўрсатишнинг уддасидан чиқиб келаётган жамоага кўз тегдими, негадир тўлов интизоми издан чиқа бошлади. Унинг талабларини унутиш эса корхонанинг собиқ раҳбарияти учун қимматга тушди. Айнан қарз салмоғини ҳаддан ташқари ошириб, тўловларни ундириш чорасини кўрмаганлиги учун жамоа етакчиси эгаллаб турган лавозимидан четлаштирилди.***

# ЭЛЕКТРДАН ҚАРЗДОРЛИК

## унинг сабаби ва сабоғи

Томошабинликдан нарига ўтмай, лоқайдлик, муросасозлик билан иш юритиш ҳар бир раҳбар учун қимматга тушиши аниқ. Негаки, айни шу иллат илдиз отган жойда хўжасизлик сари йўл очилади. Бу ҳаётий хулоса мазкур корхона тимсолида ҳам яна бир карра ўз исботини топди.

Апрел ҳолатида ташкилотларнинг электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарзи 163,6 миллион сўмни ташкил этади. Аҳоли қарзининг салмоғи 16 миллион сўмдан ошиб кетган.

Биргина Ш.Рашидов номли ҳиссадорлик жамиятининг корхона олдидаги қарзи 3,1 миллион сўм бўлса-да, уни бартараф этиш ҳақида ҳеч ким қайғурмаяпти. «Меҳнатобод»да бу кўрсаткич 2,2 миллион, «Иссиқликманбаи» корхонасида эса 2,4, «Зирабод»да 1,3 миллион сўмни ташкил этади.

Корхона 8 та подстанцияни қамраб олган бўлиб, мавжуд 309 та трансформаторлар орқали истеъмолчиларга узлуксиз равишда электр энергияси етказиб бермоқда. Юқори, ўрта ва паст кучланишли линиялар қатъий назоратга олинган. Техника хавфсизлигига қонуний амал қилиш жамоа аъзоларининг биринчи галдаги вазифаси саналади. Шу боисдан ҳам бирор-бир кўнгилсиз воқеа кузатилганича йўқ.

Ҳисоб-китобларга кўра фақатгина аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун ойига 1,5 миллион киловатт электр энергияси талаб этилади.

– Юзага келган вазиятдан сўнг биринчи навбатда назоратни кучайтиришга эътиборни қаратдик, - дейди корхона янги раҳбари Султон Юнусов. – Оддий ходимлардан тортиб 15 нафар кишидан ташкил топган назоратчиларимизгача қонунда белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қилиб, тўловларни ундириш ишига сафарбар этилди.

«Гулистон» ширкат хўжалиги ўрамидаги «Сиёзиён», Ўзбекон қишлоқларидаги хонадонлар ҳисобидан ҳосил бўлган 130 минг сўмлик қарзлар тўла-тўкис тўланмагунича электр тармоқларини узиб қўйишга мажбур бўлдик. Худди шундай ҳолат «Нурафшон» ширкат хўжалигига қарашли қатор аҳоли масканларида ҳам кузатилди.

Маъмурий идоралар, банк муассасалари, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, оқсоқоллар, хўжалик ва корхона раҳбарлари билан ҳамкорликда иш юритиш, кўплаб хонадонлар соҳиблари билан суҳбат уюштириш эвазига кейинги 1,5 ойнинг ўзида сезиларли ўсишга эришилди. Апрел ойида мартга нисбатан белгиланган тушум 4 миллион сўмга ошди. Шу тариқа аҳвол аста-секин ўнгланяпти.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Қонун барчага баробар*

# НАҲОТКИ ҲЕЧ КИМ БЕХАБАР БЎЛСА?

Конституция ва қонунларга риоя этиш фарз. Аммо, афсус баъзи ташкилот ва корхоналарда ишловчи ходимлар орасида бунга амал қилмаётганлар ҳам учраб туради. Улар ўзларининг ноқонуний ҳаракатлари билан давлат мулкини, талонторож қилишдан тап тортмайдилар. Сурхондарё вилоят прокуратураси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ҳамкорликдаги текширувлари шуни кўрсатмоқдаки, жойларда молиявий ҳужжатларни қасддан бузиб кўрсатиб, жиноий йўл билан топилган даромадларни солиқдан яшириш ҳолатлари маълум бўлмоқда.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, фуқаролар Ю.Муродов, Э.Менгнаров ва Х.Аллоёровлар ўзаро тил бириктириб, «Қумқўрғондон» масъулияти чекланган жамият номидан қалбаки ҳужжатлар тайёрлаб, «Меҳнат-роҳат» хусусий корхонасидан 14 миллион 588 минг 700 сўмлик гуручни ҳазм қилиб юборишган. Шунингдек, улар 2 миллион 819 минг 200 сўмлик омухта емни ҳам ўзлаштиришган.

Сариосиё туман С.Кассиров номли ширкат хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотчиси Ф.Жабборовнинг қилмиши юқоридагилардан ҳам ошиб тушди. У «Ёрчи» корхонасидан олинган 2 миллион 56 минг сўмлик пахта ёғини ишчиларга нақд пулга сотиб, тушган пулларни ўз манфаати учун ишлатиб юборган. Худди шу каби мисолларни Шўрчи туман савдо ҳиссадорлик жамиятига қарашли 2-дўкон мудири О.Ашуров, 25-дўкон мудири Қ.Раҳимовлар фаолиятида ҳам кўриш мумкин, Улар назорат-касса машинасидан ўтказмасдан, катта миқдордаги маблағни ўзлаштириб юборишган.

Узун тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи раҳбарлари тўғрисида ҳам ижобий фикр билдириш қийин. Сабаби улар талабаларга тўланиши лозим бўлган 3 миллион 540 минг 200 сўм миқдордаги стипендияни, ишлайдиган оналарга фарзандларининг 2 ёшга тўлгунига қадар парвариши учун тўланадиган 923 минг сўм нафақа пулини ўқитувчиларнинг иш ҳақи ва бошқа харажатлар учун ишлатишган. Бу ҳам камлик қилганидек 227,8 минг сўм улар томонидан ўзлаштирилиб, 9862,4 минг сўм бюджет маблағлари тумандаги хусусий фирма ва якка тадбиркорларга асоссиз равишда ўтказиб юборилган. 139,8 минг сўмлик бензинни талон-торож қилинган.

Табиий савол туғилади: наҳотки шунча камчилик ўғриликдан аввало жамоа аъзолари, мутасаддилар бехабар бўлса?

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Юртимизнинг энг яхши тадбиркорлари*

# «ЧАШМАИ САФЕД»НИНГ 14 хил маҳсулоти

**Андижон вилоятига йўлимиз тушди. Вилоят марказидаги савдо шохобчаларини кўздан кечириб юрарканмиз, «Сут маҳсулотлари» дўкони пештахталарига териб қўйилган, бири иккинчисидан чиройли идишларга қадоқланган маҳсулотлар эътиборимизни тортди.**

– Хориждан ҳам мол олинаркан-да, – дедим шеригимга пештахта томон имо қилиб.

– Қаёкда, ҳаммаси ўзимизники, – жавоб қайтарди ҳамроҳим. Кейин сотувчидан улардан бир неча турини кўрсатишни илтимос қилди. Маҳсулотларни кўздан кечираётиб фахрландик. Негаки, уларнинг аксари Косонсой туманидаги Ҳамидхон Мўйдинхўжаев раҳбарлик қилаётган «Чашмаи Сафед» хусусий қишлоқ хўжалик корхонаси маҳсулотлари эди...

Кичик корхона раҳбари Ҳамидхон аканинг асл касби сув хўжалиги мутахассиси. Анча йиллар Косонсой тумани хўжаликларида ишлаган. Ҳалол меҳнати эвазига обрў-эътибор қозонган. Унга мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг рўй берган ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар руҳ бағишлади. Миниб юрган автомашинаси, молқўйларини сотиб, Гўрмирон қишлоғидаги бир неча йиллардан бери фойдаланилмасдан ётган бинода сут маҳсулотлари тайёрлаш кичик корхонасини очишга киришди. Тўғриси, аввалига иш осон кўчмади. Бироқ омилкор тиним билмади. Қолаверса кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик фаолияти тараққиёти учун яратилган шарт-шароитлар корхона иши ривожига мустаҳкам замин яратди. 1994 йили 8 миллион сўм кредит олиниб, Россия ва Туркиядан замонавий ускуналар, жиҳозлар келтирилди. Кейинроқ эса Германиянинг энг сўнгги нусхадаги ускуналари ўрнатилди. Ҳозирги кунда корхонада кунига 5 тонна сут қайта ишланиб, қаймоқ, пишлоқ, бринза, сариёғ каби 14 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонани узлуксиз хомашё билан таъминлаш мақсадида тумандаги бир неча фермер ва жамоа хўжаликлари билан шартномалар тузилган.

– Ўзимизни ўзимиз хомашё билан таъминлаш мақсадида Навоий номли жамоа хўжалигидаги касодга учраган чорвачилик фермасини сотиб олдик, – дейди Ҳамидхон Мўйдинхўжаев. – Туман ҳокимлиги бу интилишимизни қўллаб-қувватлади. 110 гектар ер ажратиб берилди. Натижада чорвани зарур ем-хашак билан таъминлаш имкониятига эга бўлиш билан бирга ўтган йили салкам 40 тонна пахта, шунча буғдой ҳосили йиғиштириб олдик. Энг муҳими, ҳозирда кунига 20 тонна сут соғиб олинмоқда. Маҳсулотларни тумандаги қатор мактаб ва болалар боғчалари, шифохоналар, Наманган шаҳридаги ташкилот ва муассасаларга етказиб беряпмиз. Шунингдек, қўшни Андижон ва Фарғона вилоятлари, пойтахтимиздаги бир неча қўшма корхоналар ҳам доимий харидорларимиздир.

Дарвоқе, хусусий корхона меҳр-саховат, хайрия кўрсатиш борасида ҳам кўпчиликка намуна бўлмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида корхона ҳиммати билан «Косонсой» фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Боғ кўча» маҳалласи йўллари асфальтланди. Учта мактаб бинолари корхона маблағи ҳисобига сифатли таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг 50 нафар фарзандларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Корхонанинг келгусидаги режалари катта. Чунончи, сутни қайта ишлаш ва макарон цехларини қуриш мўлжалланмоқда. Бу янги цехлар ишга тушгач, камида 60 та янги иш ўрни яратилади. Хусусий корхонанинг чорвачилик тармоғи эса наслчилик фермасига айлантирилади. Хуллас, «Чашмаи Сафед» халқимиз маъмурчилигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган энг яхши жамоалардан бирига айланяпти.

**Мирраҳим ОДИЛОВ,**
**Тошкент Молия институти магистранти**




**Мустақил Ўзбекистонимизда содир бўлаётган қувончли ўзгаришлар, интеграция жараёнининг муваффақиятли кечишида жаҳоннинг аксарият мамлакатлари юртимиз билан халқаро иқтисодий-савдо алоқалари кенгайиши муҳим омил бўлмоқда. Бундай жараёнларда халқаро транспорт алоқаларининг, транспорт-экспедиторлик хизматларининг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.**

# ЖАҲОНГА ЙЎЛ

Ўзбекистон Республикасининг транспорт-экспедиторлик ташкилотларини бир бутун ташкилотга уюштириш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида 1996 йилда халқаро экспедиторларнинг Миллий ассоциацияси ташкил этилди. Ушбу ташкилот экспедиторлик ассоциациялари Халқаро Федерациясининг ҳақиқий аъзоси бўлди. Халқаро юкларни ортиш-жўнатиш, тезкорлигини ошириш ва ўз вақтида маълумот айирбошлашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг транспорт-экспедиторлик ташкилотлари Оврўпо Иттифоқи комиссиясининг ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида Грузия, Эрон ва Туркия портлари ҳамда ер усти юк жўнатиш пунктлари ҳудудларида ўзларининг ваколатхоналари ҳамда қўшма корхоналарини очдилар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон экспедиторлари озиқ-овқат маҳсулотлари ва жиҳозларини Марказий Осиё минтақасига етказиб беришга оид тендерларда иштирок этиб, ғоят муҳим ишларни амалга оширмоқдалар. Мамлакатимизда олтин қазиб олиш билан шуғулланувчи «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, «ЎзДЭУ авто», қўшма корхонаси ва шу каби транспорт-экспедиторлик компаниялари инвестиция лойиҳаларини амалиётга жорий этишда фаол иштирок этишмоқда.

Даставвал Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон ва Грузия ўртасидаги маҳсулотларни темир йўл орқали ташишга оид ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳамда Украина, Грузия ва Озарбайжон ўртасидаги транспорт коридори тўғрисидаги уч томонлама битимни алоҳида қайд этиш керак.

Ўзбекистон иқтисодиётининг динамик ривожланишини таъминлашда муҳим рол ўйнайдиган халқаро юк ташишларни ташкил этиш ва уларни муваффақиятли амалга ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам борлиги сир эмас. Сўнгги йиллар ичида атвомобил, темир йўл, шунингдек, бошқа турдаги алоқалар бўйича юк ташишга оид 50 га яқин халқаро келишув имзоланиб, конвенциялар ишлаб чиқилди. Умуман олганда мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳаётида беқиёс иқтисодий, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган улкан иншоотларнинг ишга туширилишида рамзий маъно бор. Иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган темир йўл тизимини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган, лойиҳа қиймати 38,9 миллиард сўмни ташкил этадиган Навоий-Учқудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус темир йўли айнан истиқлол йилларида амалга оширилгани мустақиллик халқимиз учун берган имкониятларнинг янада ёрқин ифодасидир. Бу эса Ўзбекистонда ягона темир йўл тизимини барпо этиш, минтақадаги фойдали қазилма конларини комплекс ўзлаштириш, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежаш, кўплаб янги иш ўринларини яратиш, шаҳар ва қишлоқларда йирик саноат корхоналари бунёд этиш имконини беради.

Мустақиллик берган катта имкониятлар хусусида гапирганда, яна қуйидагиларни таъкидлаш лозим. Маълумки, йўл ва кўприк қуриш, одамлар узоғини яқин қилиш улуғ иш. Бироқ, собиқ шўро даврида бу соҳага унчалик эътибор берилмади. Оқибатда йўлларимиз жаҳон андозалари талаблари даражасидан орқада қолиб кетди. Фақат мустақиллик шарофати ила йўлларни қайта таъмирлаш, янгиларни қуриш, уларни сақлашга эътибор кучайтирилди. Биргина Қамчиқ довонида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Тошкент шаҳрида кўплаб янги, замонавий кўприклар қурилиб, йўллар кенгайтирилди.

**Ўткир ИКРОМОВ,**
**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистранти**

# КЎНГИЛЛИЛАР КЎМАГИ

Жиззах шаҳридаги 16-ўрта мактабнинг спорт залини шу мактабнинг собиқ битирувчилари таъмирлаб берди. Афғон урушининг фахрийлари Фарҳод Одилов ва Фурқат Ортиқов ташаббуси билан бошланган бу хайрли ишни мактабнинг бошқа собиқ ўқувчилари қўллаб-қувватлади. Энг муҳими, мактаб спорт зали ёшлар бўш вақтларини кўнгилли ўтказадиган доимий гавжум масканга айланди.

Ғаллаорол туманидаги 25-ўрта мактабни бундан ўттиз йил аввал битирган ўқувчилар ҳам шу сана муносабати билан мактаб спорт залини тўлиқ таъмирлаб, зарур спорт жиҳозлари ҳам совға қилди. Шу мактабнинг яна бир собиқ ўқувчиси, тадбиркор Қодир Зоиров эса бокс клубига ҳомийлик қилиб келаётир. У мазкур клубни спорт анжомлари билан тўлиқ таъминлашдан ташқари, мураббийга мунтазам маош ҳам тайинлади.

Маҳаллаларда ҳам болалар спортини ривожлантиришга иштиёқ кучайгани жамоатчилик фаоллигининг ошишида муҳим омиллардан бирига айланди. Шунинг учун вилоятда болалар спортини ривожлантириш бўйича 2003-2005 йилларга мўлжаллаб тузилган дастурда ҳам ишнинг шу жиҳати алоҳида эътиборга олинган. Дастурга мувофиқ мазкур муддатда вилоятда беш стадион, 8 бассейн, 2000 спорт майдончаси, 209 спорт зали қурилиши кўзда тутилган. Бироқ кўпчилик қишлоқ ва маҳаллаларда иншоотлар қурилиши давлат маблағи ажратилишини кутиб турмасдан бошлаб юборилмоқда. Жиззах шаҳрининг Тошлоқ маҳалласида, Зафаробод, Ғаллаорол, Зарбдор, Ғаллаорол туманларида қурилаётган болалар спорт майдончалари жамоатчиликнинг ташаббуси билан амалга оширилмоқда.



Акмал Икромов тумани «Учтепа» маҳалласида 3500 дан ошиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ҳар бир жабҳада илғор. Боиси, фаоллар маҳалла солиқ инспектори, милиция билан ҳамкорликда фаолият юритишади. Шунинг учун ушбу маҳаллада жиноятчилик сони кескин камайди, маҳаллий солиқлар борасида эса ҳеч қандай қарздорлик кузатилмади. Айниқса, қариялар, уруш қатнашчилари, кам таъминланган оилалар доимий эътиборда.

**Суратда: маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мухтор Илҳомов галдаги режалар хусусида фикрлашмоқда.**
**Ғ.ХИДИРОВ олган сурат**

Яккабоғ туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Бунда жамоа шартномалари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Суратда: қўмита раиси Ш.Норқобилов жамоа шартномаси бажарилишини муҳокама қилмоқда.**
**Ш.СУЛТОНОВ олган сурат**



# МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ БЕКОР ҚИЛИНГАНДА

## Саволларингизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши юридик бўлимининг ҳуқуқшуноси Насиба Тиллахўжаева жавоб беради

**Савол: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми I банди, яъни ходимларнинг сони (штати) ёки иш хусусияти ўзгариши муносабати билан Меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчига қандай талаблар қўйилади?**

**Ў. ХОЛМУРОДОВА,**
**Дўстлик тумани**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг I банди бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи қуйидаги талабларга амал қилиши шарт.

I) Ҳар бир ходимнинг бўшатилиши тўғрисидаги ахборотни камида икки ой олдин маҳаллий меҳнат органи эътиборига етказиш;

2) оммавий бўшатиб юбориш чоғида ходимларнинг вакиллик органига тегишлича ахборот бериш ва у билан бўшатиб юбориш оқибатларини юмшатишга қаратилган маслаҳатлашувларни ўтказиш;

3) камида икки ой олдин ўзининг меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти борлиги хусусида ходимни ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириб қўйиш ёки бунинг ўрнига ходимларга белгиланган тартибда тенг миқдорда пуллик компенсация тўлаш;

4) Меҳнат Кодексининг 103-моддасига кўра ишда қолдириш учун имтиёзли ҳуқуқни белгилаш тартибига қўйиладиган талабларга риоя этиш;

5) ишдан бўшатилаётган ходимни унинг розилиги билан шу корхонанинг ўзидаги бошқа ишга ўтказиш чораларини кўриш;

6) огоҳлантириш муддатида бўшатиб юборилаётган ҳар бир ходимга ўртача ойлик иш ҳақи сақланган холда бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида бир кун бўш вақт берилиши;

7) агар меҳнат шартномасини бекор қилиш учун ходимларнинг вакиллик органи розилигини олдиндан олиш жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олиш, ходимларнинг айрим тоифалари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида эса маҳаллий меҳнат органи розилигини ҳам олиш;

8) меҳнат шартномасини бекор қилиш вақтида ходимга ўртача бир ойлик маошдан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш, у билан ҳисоб-китоб қилиш, унга меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирма нусхасини бериш;

9) ишга жойлашиш даврида ходимнинг ўртача иш ҳақини меҳнат шартномаси бекор қилинган вақтдан бошлаб иккинчи, маҳаллий меҳнат органи маълумотномаси бўйича эса учинчи ой учун ҳам сақлаб туриш;

10) қонунда белгиланган: ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ёки меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлганида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўймаслиги хусусидаги бошқа талабларга риоя қилиш керак бўлади.

Шуни айтиш жоизки, ходимларнинг, сони (штати) ўзгариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш вақтида иш берувчи юқорида санаб ўтилган барча талабларга риоя қилиши лозим. Агар меҳнатга оид муносабатлар корхона тугатилганлиги сабабли бекор қилинса, иш берувчи мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибига қўйиладиган 1-,2-,3-,6-,8- ва 9-талабларни бажаришга мажбур.




Юқорида келтирилган талабларнинг биринчиси иш берувчи томонидан бажарилмаслиги фақат интизомий эмас, балки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида ҳам баҳоланади. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 229-моддасига биноан, меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисидаги ахборотнинг маҳаллий меҳнат органларига ўз вақтида берилмаслиги мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч баробаридан беш баробаригача миқдорида жарима солишга олиб келади.

**Савол: қандай сабаблар (асослар) мавжуд бўлган тақдирда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли деб топилади?**

**О.РУСТАМОВА,**
**Қизириқ тумани**

**Жавоб:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексида Меҳнат шартномасини тарафларнинг, ҳар бири томонидан бекор қилиш имкониятини назарда тутади. Агар ходим меҳнатга оид муносабатларни унга тегишли қарорни қабул қилишга ундаган сабаблардан (иш жойини ўзгартиришга интилиш, ўқишга кириш, пенсияга чиқиш, шунчаки мазкур корхонада ишлашни истамаслик ва шу кабилар) қатъий назар, бекор қилишга ҳақли бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан фақат Меҳнат Кодексида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирдагина бекор қилишга ҳақли.

Меҳнат Кодексининг 100-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига биноан бекор қилиниши фақат қуйидаги сабаблардан бири мавжуд бўлган тақдирдагина асосли деб тан олинади:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (истаги) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиги ҳолатига кўра бажарилаётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги;

5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек, меҳнат шартларига кўра ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

6) мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги;

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 100-моддасининг иккинчи қисмида санаб ўтилмаган бирор-бир сабаблар (асослар)га кўра бекор қилиш ғайриқонуний деб топилади.

## Саволларингизга ЎзКУФКнинг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев жавоб беради

**САВОЛ: Шухрат медали соҳибларига қандай имтиёзлар бор?**

**Р.ОБДОЛЁЗОВ,**
**Қўшкўпир тумани**

**ЖАВОБ:** «Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майдаги 1046 - XII сонли «Шуҳрат» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонунига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланган шахсларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 5 баробари миқдорида бир марталик пул мукофоти берилади.

**САВОЛ: «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланганларга қандай имтиёзлар бор?**

**Х.ҒАФФОРОВ,**
**Миришкор тумани**

**ЖАВОБ:** 1. «Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августдаги 115-1-сонли «Меҳнат шуҳрати» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонунга биноан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган шахсларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорида бир марталик пул мукофоти берилади.

2. Орден учун бир йўла тўланган нақд пул қийматини нафақага чиқишдаги 5 йиллик ҳисобланган иш ҳақига қўшиш ёки қўшмаслик масаласи, тўланган мукофот пулига ижтимоий суғурта бадаллари ҳисоблаб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида ҳал этилиши мумкин.

**САВОЛ: давлат транспортларида кимлар бепул ёки имтиёзли юриш ҳуқуқига эга?**

**Т.ПЎЛАТОВА,**
**Пайариқ тумани**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Шаҳар йўловчи транспортларидан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги 278-1 сонли Қонунига биноан шаҳар йўловчи транспортларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи қуйидагилар учун сақлаб қолинган:

— 1941-1945 йиллар урушининг ҳарбий хизматчилар таркибидаги қатнашчиларига;

— 1941-1945 йиллар уруши ногиронларига ҳамда I-гуруҳ уруш ногиронини йўлда кузатиб борувчи шахсга;

— 1941-1945 йиллар уруши даврида фронт ортидаги меҳнати ва ҳарбий хизмати учун орден ва медаллар билан тақдирланган шахсларга;

— Афғонистон Республикасида ва бошқа мамлакатлар ҳудудидаги жанговор ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий хизматчилар-байналмилалчилар таркибидаги фуқароларга;

— ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга, старшиналарга, прапоршикларга, катта прапоршикларга, мичманларга ва катта мичманларга;

— Чернобил АЭСдаги ҳалокат оқибатида нурланиш касаллигига чалинган шахсларга;

— кўзи ожиз ногиронларга ва кўзи ожиз ногиронни йўлда кузатиб борувчи шахсга.

*«2003 йил — Обод маҳалла йили»*

**Барча дунё неъмати соғлиққа тенг келолмас. Ҳақиқатдан ҳам кейинги йилларда Республикамизда фуқароларимизнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.**

Бу борада бизни ўраб турган атроф-муҳитни, сув ҳавзаларини, тупроқ, ҳавони ҳар хил чиқиндилар ва инсон саломатлиги учун зарарли моддалар билан ифлослантирмаслик муҳим аҳамиятга эга. Лекин минг афсуски, кўплаб очиқ сув ҳавзалари, аҳоли яшайдиган ҳудудлар, зарарли чиқинди ва моддалар (кселол, толуол, кислота ва эритувчилар, химикатлар, оқава сувлар) натижасида ифлосланиб бормоқда. Бундай носоғлом ҳолат албатта кишилар саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

# ОЗОДАЛИККА НИМА ЕТСИН

Оқибатда кишилар ўртасида ҳар хил, жумладан, юқори нафас йўллари органлари, қон системаси, асаб ва ички секреция органлари касалликлари ҳамда айрим юқумли ва шиш касалликларининг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Инсоният ҳаёт экан ўзини яшаш шароитини яхшилашга интилади. Яхши яшаш учун эса ҳам маънавий, ҳам молиявий шароит мавжуд бўлмоғи зарур. Лекин кўпинча молиявий шароит яратамиз деб маънавий бойлигимизга путур етказаётганимизни унутиб қўймоқдамиз. Масалан, баъзи пайтларда меъморларимиз ёки лойиҳачиларимиз бирор қурилишга жой ажратишда ва уни лойиҳалашда фақат замонавий, чиройли бунёд этишга эътибор бериб, экологик муҳитнинг бузилишига ёки келгусида салбий оқибатларга сабаб бўлишини ҳисобга олмаяптилар. Шундай экан, ҳар бир бажарилган ишнинг қиймати, келгусида инсоният учун қанча фойда ёки зарар келтириши билан ўлчаниши лозим. Илгарилари ҳар бир ташкилот, муассаса, ҳатто аҳоли хонадонларини янада ободонлаштириш мақсадида йил бўйи яшил рангда кичик бутазорлар барпо этилиб, уларга манзарали шакл берилар эди. Ҳозирги кунда эса бундай жойлар аҳволи ачинарли ҳолда. Ҳаттоки чиқиндиларни яширувчи масканга айланиб бормоқда.

Соғлом экологик муҳитни яратишда ободонлаштириш ишларини олиб борувчи ташкилотларга жуда кўп нарса боғлиқ. Айниқса, маиший чиқиндиларни ўз пайтида белгиланган жойларга олиб чиқиб, уларни ўз вақтида зарарсизлантириш муҳим аҳамиятга эга. Кейинги пайтларда шаҳар ва туманларда бу ишга катта эътибор берилмоқда. Ушбу мақсадлар учун махсус транспорт воситалари ажратилган. Лекин шунга қарамай айрим ҳудудларда чиқиндилар ҳафталаб қолиб кетмоқда. Чиқинди учун мўлжалланган идишлар яроқсиз ва санитария қоидаларига жавоб бермайди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай чиқинди ташлаш жойлари турли хил юқумли касалликларнинг манбаига айланмоқда. Мамлакатимизда 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу эзгу мақсадларимизни янада жонлантиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

Кишилар соғлом бўлсалар, уларнинг маънавий ва маданий қарашлари ҳам соғлом бўлади. Халқимиз «Соғ танда, соғлом ақл» деб бекорга айтмаган. Атроф-муҳитни соғломлаштириш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиб қолмоғи зарур.

**Фарида БАХРОМОВА**

